

# ОИЛАДА ЖАМГАРМАСИ

ВА

13  
СОН

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни  
— 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил март — апрел

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ВА «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

Баҳоси эркин нархда

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТҮҒРИСИДА

Республика ахолисини ижтимоий муҳофаза қилинши таъминлаш мақсадида:

1. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси нинг худудида:

Иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 400 сўм;

Мехнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 900 сўм;

Фуқароларниң солиқиа тортимайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 550 сўм; ягона тариф сектаси бўйича бошлангич (нулинчи) разряддиган энг оз миқдори — ойига 550 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1996 ийларни 1 апрелидан бюджет мұассасалари ва ташкилотлари ходимларининг

иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўкув юртлари талабалари, урта маҳсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўкувчилари стипендияларининг миқдорлари урта хисобда 1,4 баравар оширилсин.

3. 1996 йил 1 апрелдан қўйилган:

— болалигидан ногиронлар учун нафакалар миқдори ойига 900 сўм;

— зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафакалар миқдори ойига 550 сўм.

4. Иш ҳақига устама ва қушимча ҳақларнинг барча турлари, шунгидек, болали оиласларга нафакалар ҳамда энг оз иш ҳақига

нибистан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1996 йил 1 апрелидан бошлаб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мехнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни, ташкилотлар ва мұассасалар мазкур Фармон қойдаларига асосланниб ҳамда 1996 йил 1 апрелдан жорий этиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сектасини хисобли оғлан холда пенсиялар, нафакалар, стипендияларининг ва ходимлар мансаб маошларининг

миқдорлари уз вақтида қайта хисоблаб чиқилишини таъминласин-лар.

6. Бюджет мұассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафакалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан bogлиq, ҳаражатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий сугурта фонди хисобидан қоплансан.

7. Ҳужалик хисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ишлаб чиқариш самародорлигини ошириш ва меҳнат ҳаражатдан қоплансан.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августағи 1213-сонли Фармони (8-банди бундан мустасно) уз кучини йўқотган деб хисоблансан.

9. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилшини назорат қилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 18 марта

И. КАРИМОВ



Оббо! Ойим уйда бўлмагандан кейин шуда, дадам овқат қилишниям билмайди...

У  
ш  
б

3-БЕТ:

ҲАҶКАЛ

У

ҚҰДАРАН БҰЛЛАРДЫМ

4-БЕТ:

ҚОРА «БЕЛБӨР» СОҲУБАСИ

6- БЕТ:

БҰДДОҚДАН МАКТУБ КЕЛДИ:

«ЧАЛАНШИНА УСТАМАЛПАМ... НЕРА?»

8-БЕТ:

ТОШПҮЛАТ

С ТАЖАНГИНИГ

О ТЕРГИМОНОН

Н Д

а:

«Оила ва жамият» 13 (234)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТҮГРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИНГ «МЕХНАТГА ҲАҚ ТҮЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТҮГРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРХ

Одамларнинг фаровонлигини ошириш, ахолини ишончли ижтимоий ҳимоя қилиши таъминлаш масалалари давлатимиз бошлиги ва ҳуқуматининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонига ва Вазирлар Мажхамасининг қарори бунинг далилидир.

Президент Фармони билан 1996 йил 1 апрелдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори 250 сўмдан 400 сўмга оширилмоқда, бунду бюджет мусассасалири ва ташкилотларининг ходимлари иш ҳақини ўртача 1,4 баравар ошириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, барча турдаги пенсиялар, олий ўкув ўртлари талабалари, техникумлар ва хунар-техника билим ўртлари ўқувчилари стипендияларининг ўртача миқдори 1,4 баравар оширилмоқда.

Агар бугунги кунда меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори 645 сўмни ташкил этса, 1 апрелдан бошлаб у 900 сўмга етади, яни 255 сўм қўшилади. Худди шунингдек — болаликдан ногиронларга бериладиган нафакалар 900 сўмгача оширилади. Зарур иш стажига ях булмаган кекса ва меҳнатга қобилиятисиз фукароларга бериладиган нафака миқдори 400 сўмдан 550 сўмга кўпаяди. Олий ўкув ўртлари талабалари стипендияларини ўртача 560 сўмдан 790 сўмгача, техникумлар ва коллежларнинг ўқувчилари стипендиялари эса 530 сўмдан 750 сўмгача ошиди.

Усбай келаётган авлодни тарбиялаш билан боғлиқ тўловлар

миқдори ошикоқда. Масалан, бора 2 ёшга тўлғунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга бериладиган нафакалар 250 сўмга ошиди ва 600 сўмни ташкил этади, 16 ёшгача бўлган боласи бериладиган нафакалар 2,2 баравар ошиди ва 400 сўмни ташкил этади.

Иш ҳақи ошиши билан бир вактда фукароларнинг солиқ солининг майдигандаромади миқдори ҳам ойига 400 сўмдан 550 сўмга ошишини таъкидлаша мумхидир.

Ахолini ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида курсатиб утилган чораларни рўябга чиқариш учун анча пул маблаглари талаб этилади, бу Республикаси давлат бюджети ва ижтимоий сугурга жамғараси маблаглари хисобидан ташминланади.

Айни вақтда шуни таъкидлаш зарурки, иктиносиди испохтларни қуқурлашибши шароитларида ҳар бир ходим ва унинг оиласининг фаровонлиги биринчи навбатда уларнинг меҳнат фаолияти, уз малақаси ва қасб тайёр гарлигини оширишга, меҳнат фаолиятининг янги, янада мураккаб участкаларни ўзлашибшига интилиши билан белгиланди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг 22 разрядига асосланган янги ягона тариф сектаси иш ҳақининг разбатлантируви аҳамиятини кучайтиришига, юкори унумли малакали меҳнатга ўндашга йўналтирилган. Ягона тариф сектаси Вазирлар Мажхамасининг қарорига мувофиқ 1996 йил 1 апрелдан бошлаб амалга кирилди.

Ягона тариф сектаси

меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини таъкидлашибши хисобига ходимнинг ўз малақасини оширишдан мағафтдорлигини кучайтиришини назарда тутади. Янги тариф сектасига мувофиқ тариф ставкаси сезиларни даражада ошиди, турдosh разряддаги уртасидаги фарқ эса 2-2,5 баравар ошиди.

Масалан, олий тоифали врачнинг тариф ставкаси тоифаси бўлган ўз малақасини оширишдан мағафтдорлигини кучайтиришини назарда тутади. Янги тариф сектаси сезиларни даражада ошиди. Масалан, ушаки синф раҳбарлиги, ўқув хонасига мудирлик килганинг ўз малақасини оширишдан мағафтдорлигини кучайтиришини назарда тутади. Янги тариф сектаси сезиларни даражада ошиди. Масалан, ушаки синф раҳбарлиги, ўқув хонасига мудирлик килганинг ўз малақасини оширишдан мағафтдорлигини кучайтиришини назарда тутади. Янги тариф сектаси сезиларни даражада ошиди.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги тариф сектасида бошланғич разряд ставкаси 400 сўмдан 550 сўмгача ошишини хисобига олган ҳолда барча ходимларнинг иш ҳақи сезиларни даражада ошиди.

Масалан, 28 разряддан иборат бўлган амалдаги ягона тариф сектасида 1-тоифали ўқитувчининг тариф ставкаси 11-разрядга турғи келар ва 888 сўмни ташкил этар эди. 22 разрядли ягона тариф сектасида бу ўқитувчининг ставкаси гарчи тўққизинчи раз-

ядрга турғи келса ҳам, 468 сўмга кўпаяди ва 1356 сўмни ташкил этади.

Энг кам иш ҳақи кўпайиши муносабати билан илгари белгиланган барча қўшимча ҳақ ва устамалар ҳам ошиди. Масалан, ушаки ўқитувчи тариф ставкаси сезиларни даражада ошиди. Масалан, ушаки синф раҳбарлиги, ўқув хонасига мудирлик килганинг ўз малақасини оширишдан мағафтдорлигини кучайтиришини назарда тутади. Янги тариф сектаси сезиларни даражада ошиди.

Турлича малакага эга бўлган ишчиларнинг тариф ставкалари ўртасидаги фарқ сезиларни рашида ошиди. Масалан, саккизинч разрядли юкори малакали ишчи билан биринчи разрядли ишчининг тариф ставкаси ўртасидаги фарқ, 172 сўмни ташкил этар эди. Эндиликда у 510 сўмгача кўпайди ёки деярли 3 баравар ошиди. Бу ўз навбатида ишчиларни ўз малақасини оширишга ва мурракабкор мехнатни егалашга итилишини рағбатлантириди.

Бюджет ташкилотлари учун маҳбубий хисобланган янги тариф сектасида 1-тоифали ўқитувчининг тариф ставкаси 11-разрядга турғи келар ва 888 сўмни ташкил этар эди. 22 разрядли ягона тариф сектасида бу ўқитувчининг ставкаси гарчи тўққизинчи раз-

ядрга турғи келса ҳам, 468 сўмга кўпаяди ва 1356 сўмни ташкил этади.

Болалар ҳар бир оиласининг чироги, файзи ва баҳтидир. Улар доимо меҳрга, яхши сўзга интиладилар. Коракалпогистон Республикаси Болалар жамғармаси бу мақсад йўлида бир қанча эзгу ишларни амалга оширимоқда.

Яқинда жамғарма аъзолари иштироқида ногирон болаларга, кам таъминланган оиласларга, мактаб-интернат, болалар уйлари тарбиялашувчилиги кийим-кечаклар, озиқ-оватлар ва туриларга тарқатилди.

\*\*\*

Наврӯз байрами арафасида Бухоро вилояти болалар жамғармаси ташаббуси билан ногирон ва кам таъминланган оиласлардаги болаларга 30 минг сўмлик обёк кийими, 20 минг сўмлик кийимбosh тақдим этилди.

Бухоро шаҳар кўзи охиз болалар мактаб-интернатида 12 та боланинг мучал туйи ва шаҳар болалар уйида 3 та боланинг суннат туйи ўтказилди. Шаҳар солик инспекцияси эса болалар тарбиялашувчилиги кийимбosh тақдим этилди.

Вилоят болалар жамғармаси қошидаги «Хўжа Исмат Бухорий» кичик корхонаси эса ногирон болаларнинг соглигини тикилаш маркази ва вилоят меҳрибонлик уйларига 400 та сочиқ совга қилди.

Яқинда вилоятда болалар жамғармаси болалар ва ўсимирлар тарбияий маркази билан биргаликда иқтидорли болаларнинг вилоят анжуманини ўтказди. Анжуманда 500 га яқин болалар қатнашиб, голиблар вилоят болалар жамғармасининг совгалири ва фахри ёрликлари билан тақдирланishi.

\*\*\*

Жиззах шаҳри ва вилоят туманларидаги «Соглом» авлод учун халқаро жамғармасининг таянч пункктлари мунтазам фаолият кўрсатиб, иктиносиди кийинчиликларга қарамай имкониятлардан етарлича фойдаланашишмоқда.

Жамғарманинг вилоят бўлинмаси келаётган инсонпарварларлик ёрдамларини тақсимлашиб, жойларга етказиш ва уларнинг тўғри таксимланишини доимий назорат қилади. Масалан, ўтган йил Хитойдан келтирилган инсонпарварларлик ёрдами болалар касалхоналарига, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш марказига ўз вақтида етказилиб, тақсимланди.

Хозирда вилоят бўлинмасининг Бахмал тумани таянч пунктида шифобаҳи гиёхлардан тайёрланадиган ичимликлар билан савдо қиладиган фитобар мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, туман таянч пункти жамоаси 2 та дорихона, 1 та дўкон очиши ва 15 гектар ер олиб, қишлоқ хужалик маҳсулотларини экишини репжалаштироқда.

Ўз мухбиримиз



Баҳодир ШОЙИМОВ сурати.

• Фикр

## «БИЗНИНГ КЎФИРЧОҒИМИЗ БОР»

суюти.

Ҳар бир ҳалқнинг ўз кўғирчоғи бўлганидек, ривохланган давлатлардан бири АҚШда ишлаб чиқарилган машҳур «Барби» кўғирчоғида бошдан оёқ инглиз аёлига хос белгилар кўзга ташланади. Новча, тик комат, кўкиштоб кузларида порлаган маънона кишини ўйга толдиди. «Барби» ниҳоятда пишик ва сифати ишланган.

Бизнинг атлас либосдаги кўғирчоқлар қачон қизчаларимизнинг кўлига бориги тегади, овучини мавзуди ошириши тайлини. Кўлига зирак, оёқ қисмидаги аёлига хос белгилар кўзга ташланади. Барби кўзларнинг тиллашоунга ўнга шундай кўрк багишлаб турибдик, юзидағи ҳаёв ва ибо сурма суригланган кузларига яшириниб турдиган. Киз келинчак бўлди, энди унинг бош қисми, бўйин атрофи тиллашоунга ўнга румол билан уралди, зиракларни бекитди. Кўйлаганинг устидан баркут ҳалат ташлаб олган келинчакда уятчанлик яширин.


Уларнинг кўғирчоқларни дунё юзини курди. Бу ҳали эзгу ишнинг бошланишишdir. Шу тарпи Тошкент, Самарқанд, Кашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон Наманганнинг кўғирчоқлари ҳам атлаганишига ҳаракат бошланди. Ўзбек аёлига хос миллий қиёфа акс этган кўғирчоқлар аслида аллақонлашади. Хоразм кўғирчоқларининг дастлабки нусхаси яратилди. Уларнинг бири ёш қиз, иккичи

чилини кўринишида. Уларда хоразм аёлларининг ташки кўринишидан тортиб, кийим ва ўз бичимлари, яшаш тарзлари манзар қилади. Биз ана шу маънода ҳар бир вилоятнинг кўғирчоқларини яратишга келишидик. Яқин орада «Тошкент» кўғирчоғи вужудга келади.

Ўзбек қизларига хос бўлган кўғирчоқларнинг сифати қандай экан, дея савол беринингизиз мумкин. Сифати аъло даражада, вазни ҳам салмолди. Негадир улар ҳалқимизнинг нозиктаб шоирлари Нодира ва Увайсий, Маҳзунна ва Анбар Отинларни эслатади. Либослардан ифор таралиб туриди.

Уни қийинг, бунни қийинг, барадла айтсан булади: энди бизнинг ўз кўғирчоқларимиз бор. Фақат улар кўпроқ ва мумкин қадар тезор қишиларига чиқарилиб, савдо дуқонларига чиқарисин! Фарзандларимизга шодлик улашсин!

Хулкар ТЎЙМАНОВА



1432 йил. Улуғбекнинг оиласида хосхонаси. Улуғбек Берунийнинг «Конуни Масъудий» китобини вароқлашиб туриди. Xонага унинг 12 ёшли ўғли Абдураҳмон югуриб киради ва ота қучоғга отилиди.

АБДУРАҲМОН: — Ота! Отажон!

УЛУГБЕК: — Кел, ўглим — Абдураҳмоним! Кўзимининг кораси, белимнинг мадори, умидимнинг кўши.

АБДУРАҲМОН: — Нечун гўйда кам бўласиз, ота? Ё саройда, ё мадрасада ва ё расадхонада юрасиз? Биз билан гаплашмайсиз...

УЛУГБЕК: — Сўйлашгинг келадими, ўглим? Кел, гурнглашамиз. Мана, ҳозир қор ёғиб туриди. Қиши чилласи. Расадхонада иш йўқ.

АБДУРАҲМОН: — Нега иш йўқ?

УЛУГБЕК: — Бундай корбондан осмонда нима ҳам кўринади?

АБДУРАҲМОН: — Ота, биламан, юлдузларни яхши кўрасиз. Мен ҳам юлдузларни севаман. Ҳаво очиқ, осмон мос-мовий бўлиб турганида оқшоғари соатларча юлдузларга қарағатман. Сиз ҳам мендай пайтингиз, яхши кириб қолганимисиз юлдузларни?

УЛУГБЕК: — Меними? Мен балки илгарироқ яхши кўрган бўлсам керак. (Улуғбек хотираларга берилиб жим бўлиб қолади.)

АБДУРАҲМОН: — Ота, айтиб беринг, қачон эди бу?

УЛУГБЕК: — Аниқ ёдимда йўқ. Аммо жуда ҳам кичкиналигимда бобомиз рахматлик Соҳибкорон Темур Ҳамза ибн Али деган бир йигитчани менга қиссанхон қилиб қўйганди. Мен 4 ёшидан бўлсам керак. Ҳамза ого мендан 12 ёш катта эди. Бобомизнинг ўз қиссанхони Али ибн Тусийнинг жияни эди. Али бобо ҳам ул кишини. Али бобо ҳам, Ҳамза ого ҳам адолатли ва юлдузларни юртлиларга беришади. Беруний юхидади ҳикоялари ҳеч эсимдан чиқмайди. У ҳам юлдузларни севаркан. Али бобо: «Ҳар бир юлдузнинг номини, тураржоий, ҳаракат чизиқлари, бир-бирига яхин келиш ва узоклашиш вақтларини дафтирига қайд қилиб борарди» деганида, менинг юхимда юлдузлар худди жонли мавжудотларга ўхшади кўринади. Улар билан гаплашиш ва сирлашиш мумкин, деб ўйлардим. «Бир куни Берунийлар уйига Рум элиздан меҳмонлар келибди. Ёш Муҳаммад Беруний юлдузларнинг номлари руммиллар тилида нима деб аталишини сўраб, дафтарчасига ёзиб олибди» деганда, «Мен Беруний буламан!» деб хаёл қилардим. Ахир, узинг ўйла, ўглим, у сендейлик пайтада ёк дафтарчасига юзлаб юлдузлар ҳақиси тида нима деб аталишини ёзиб олган экан.

АБДУРАҲМОН: — Ўша қиссалардан кейин яхши кириб қолгансизми юлдузларни?

УЛУГБЕК: — Фақат бу эмас... Ҳамза ого ҳам араб ва рум мунахжимлари ҳақида кўп қиссалар айтиган.

АБДУРАҲМОН: — Нима дер эди?

Маълумки, 60-йиллар ўзбек адабиётидаги мўҳим сана ҳисобланади. Ўша даврларда адабиётта кириб келган Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Шукур Холмизраев каби бир қанча шоцилар ва ёзувчилар бу чаманин янги ва бетакор инфордрага тўлдиран эди. Бугун узининг 60 ёшини нишонлаётган Миразиз Аъзам ҳам шу авлоди вакили. Миразиз Аъзам адаб сифатида аллақачон ўз овози ва ўқувчиларни топган ижодкор. Унинг «Туйгулар», «Сабот», «Ҳақиқатнинг кўллари» номли китоблари, Нозим Ҳикмат, Бертолд Брехт, Пабло Неруда ва шарқ алломалари асарларидан қилган таржималари билан яхши танишиш.

Яқинда адаб бўюк бобомиз Мирзо Улуғбек ҳақида асар ёзиб тутади. Биз бу асардан парча эълон қилишин лозим топдик. Ва шу максадда Миразиз акадан асарларни яратилиши тархи ҳақида қисқача сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Тарих китобларига чўмий кеттанингда, ўз юрагинга қарайсан киши ва кимлигини ҳис қила бошлайсан. Бухорий, Амир Темур, Улуғбек сингари юзлаб сиймаларимизнинг бетакор фолияти одамни ҳайратга ёзилбайт ташлайди. Биз уларнинг олдида бўюк қоялар ёнидаги зарраларга ўхшаймиз.

Улуғбек ҳақида бизда жиҳдий ва муҳим асарлар яратилган. «Мирзо Улуғбек» фожиаси, «Улуғбек ҳазинаси» романни ва бошқа талайгина катта-кичиқ асарлар шулар ўзимасидандир. Аммо Улуғбек ҳаётининг манзаралари ҳануз тўлиб оқиб турган дарёга ўхшайди. Неча бор чекалаб ёки бочкалаб олган тақдирингизда ҳам, унинг ҳаётбахса сувлари ҳеч қанча озаймаётгандай, бўзга ўнлаб Шекспирлар керакдай кўринади. Ана шу ёхтийиҳи ҳис қилиб, мен ҳам бу улуғ шахснинг ҳаётбахса бузни ёзди. Булар вақт ва замон бирлиги, жўғорфий муҳит бирлиги, воқеаларда бошдан-охиригача айни қаҳрамонлар ва персонажлар иштирок сингари класик драматургия талаблари донисидаги ёзилмаган. Шундай бўлгач, уларни оидий наср йўлида ёзилбайт кўйлансиз бўлмасмиди, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, ўндай қўйла шундай бўларди. Аммо мен Улуғбек умрининг ибратли томонлари мактаб саҳнаси орқали тезроқ ёшларга етиб боришини орзу қилдим. Улуғбек даврининг муҳити, мансабпастлик таҳликаларини, ихолосизлик ва тарқоқлик қандай бало эканлиги, баднафслик оқибатлари, адолат мезонлари ҳақида ўйлашларни истадим.

Тарих китобларда айтилишича, Улуғбекнинг иккى ўғли ёшлинига ўлган. Мазкур парчада Улуғбекнинг шу ўғилларидан биро билан сўнгти сухбатини жонлантиришга ҳаракат қилганиман.

УЛУГБЕК: — «Осмондаги юлдузлар кўп қиррал бўлиб кўринади-а?» деди. «Ҳа» десам, «Аслида юлдузларнинг қирралари йўқ. Улардан нур тараётганди учун қиррал кўринади. Мана, Қўйш ҳам кунгабоқардай тожи. Аммо унинг ҳам аслида тожи йўқ. Тарапаётганди нурлар уни тожи қилиб. Тарапаётганди аслида юлдузлар ҳам, ой ҳам, кўш ҳам думалоқ бўлади!» деди эди. «Сиз қаёқдан биласиз, оғо?» десам, «Араб қиссаларида ёзилган!» деди. «Ер ҳам аслида думалоқ, Қўйш Ер атрофида айланади» деди. «Алдоқчи... нима қиласиз

ортиқ мунахжоми юлдузлару Қўйш, Ой ва бошқа сайдерларнинг ҳолати ва ҳаракатини кузатган эркан. Алар Хитой, Эрон ва Турон олимлари эрканлар.

АБДУРАҲМОН: — Расадхона нечун вайрон бўлғон эркан?

УЛУГБЕК: — Ул юртларда тоҷ-таҳт учун ур-иёқитлар бўлиб, бирлари иккичилиарига ўтиб, обида осори атиқаларни ийикиб, иккичилари тиклаб, ововори сарсон бўлғон чогларида, бунинг устига зилзила ҳам бўлиб, оқибатда шундай бўлғон эркан. АБДУРАҲМОН: (Овозида хавотир

дай дема, ўглим... Ҳар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар «Омин!» деб юбориши мумкин. Астағифурулоҳ.. астағифурулоҳ...

АБДУРАҲМОН: — Ота! Расадхона-миз қаёндан курилган ва қандай курилган? Зилиза бўлса, дош берадими?

УЛУГБЕК: — Расадхона курилганига узоқ будди, у битган ийли сен туғилган эдинг, ўглим. Риёзиёт, хандаса, ал-жар, таббиёт олимлари, осмон илмининг усталари — устоз Қозизода Румий, мавлоно Фиёсиддин Ҳамшид, ҳозирги замон Батлиумуси деб таърифланувчи Али Кушчи раҳбарлигига, ер юзининг манаман деган устяу устазодалари томонидан курилган. Бизнинг ҳисобимизга кура, энг оғир зилзилага ҳам бардош бериши керак. Яна Оллоҳ билимдороқ.

АБДУРАҲМОН: — Ота, бу осмон ёритичлари илмининг ердаги ҳаётга қандай алоқалари, қандай нафла-ри бор?

УЛУГБЕК: — Фалакиёт илми ердаги ҳаётга, чуончи, мухитни, об-ха-вони билиш, кунларнинг иш тартибини белгилашда — дехҷончиликда, сафарга чиқиши, бўм-бўш саҳроларда ёки поёнсиз баҳри муҳитларда ўйлантапшада, байрамларни белгилашда ва бошқа кўпдан кўп амалий ишларда инсона жуда аскотади.

АБДУРАҲМОН: — Ота, илми нујум китобларини ўқиси англарман-а?

УЛУГБЕК: — Ҳа, Абдураҳмон, англайсан. Инсон ёзганини инсон англайди. Тўғри, олдин қўйинрек бўлади. Аммо аста-аста мағзини чақа бошлайсан. Мен ҳам сенинг ёшингда бундай китобларни ўқиши бошлаганди. Бобомиз Соҳибкоронинг Бадрииддин отлиғ бир мунахжими бўлар эди. Юлдузларга морогимни кўриб. Кўксарой кутубхонасига олиб борган ва Беруний, Аҳмад Фарғоний, Марвоний, Носириддин Тусий, Ҳоразмий, Бузждандий, Умар Ҳайём китобларини ўқиши, деганди.

АБДУРАҲМОН: — Ота! Гапларини гиздан, бояти, юқорида айтган ҳаётнингиздан: бу дундан ҳеч бир нарса аబадий эмасдек кўринади. Араб осори атиқалари, Рум расадхоналари ҳам Марога расадхонаси ҳам қолмабди-ку ер юзида! Бизнинг расадхона ҳам бир кун эмас, бир кун йўқ бўлиб кетармикин, дейман...

УЛУГБЕК: — Ўглим! Үндай дема. Яхши ният қўй. Яхши тилаклар тила. Ҳар бир тортинг фарғоти ва ободчилиги — у юртда яхши ва иймонли одамларнинг кўплигига боғлиқ. Яхшилар қанча кўп ва муқим бўлса, юрт шунчунга баҳтила ва обод бўлгай.

АБДУРАҲМОН: — Ота! Баъзи бир кечаларда «мен узоқ яшамасам кепар» деб ўйлайман. Ҳудди катта ёшли одамларга ўхшайман. Ҳам ҳудди меним кимдир ўлдирадигандек кўринади. Йўқ. Қўрқмайман. Ҳеч нарсадан қўрқмайман. Мен тайёрман ўлимга...

(Кучоқлашиб хайрлашадилар. Мусиқа).

## Миразиз Аъзам

# УЛУГБЕК ВА ЎҒЛИ АБДУРАҲМОН

(«Улуғбек ҳақида ҳикоялар» туркумидан)

мени алдаб» десам, «Йўқ! Рост! Ўзинг ўқиганингда биласан!» деди эди. Кейин Берунийни ўқидим. «Ер Қўйш Ер атрофида айланадими, Қўйш Ер атоғида айланадими, фарқи йўқ. Уларни кутилганни кутилганни? Расадхона ҳақида турли ҳуш ва ноҳуш гаплар эшигтаман.

УЛУГБЕК: (Унинг овозига ҳам хавотир оғанги кўшилади) — Оллоҳ арасин, ўглим... Қандай гаплар эшигтасан?

АБДУРАҲМОН: — Купчилик мадхусано айтади. Аммо ора-сира «Бу осмон илми Оллоҳга даҳлор илм. Мусимон одам Оллоҳнинг ишларига қошишмаган маъқул» деган гаплар ҳам кулогимга чалинади.

УЛУГБЕК: — Бу китоб Султон Масъудга тақдим қилингани учун унинг номи билан юртилган. Султон Масъуд Берунийга ба иши учун мукофота бир фил кумуш танга юборган. Беруний ўзини пулга ўргатмаслик, Султон олдида тили қисиқ бўлмаслик ва илмнинг обрўйини саклаб килиш учун пулни олмасдан, саройга қўйла шунчунга баҳтила ва обод бўлгай.

АБДУРАҲМОН: — Ота! Гапларини гиздан, бояти, юқорида айтган ҳаётнингиздан: бу дундан ҳеч бир нарса аబадий эмасдек кўринади. Араб осори атиқалари, Рум расадхоналари ҳам Марога расадхонаси ҳам қолмабди-ку ер юзида! Бизнинг расадхона ҳам бир кун эмас, бир кун йўқ бўлиб кетармикин, дейман...

УЛУГБЕК: — Ўглим! Үндай дема. Яхши ният қўй. Яхши тилаклар тила. Ҳар бир тортинг фарғоти ва ободчилиги — у юртда яхши ва иймонли одамларнинг кўплигига боғлиқ. Яхшилар қанча кўп ва муқим бўлса, юрт шунчунга баҳтила ва обод бўлгай.

АБДУРАҲМОН: — Ота! Баъзи бир кечаларда «мен узоқ яшамасам кепар» деб ўйлайман. Ҳудди катта ёшли одамларга ўхшайман. Ҳам ҳудди меним кимдир ўлдирадигандек кўринади. Йўқ. Қўрқмайман. Ҳеч нарсадан қўрқмайман. Мен тайёрман ўлимга...

УЛУГБЕК: — Оллоҳ арасин... Ун-

## АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

(ҳажвия)

Цех бошлигининг хонасига мой додларидан қорайиб кетган иш кийимидағи киши кирди, эшикни зичлаб ёлиб гап бошлади:

— Пётр Николаевич, мафия!

— Нималар деяпсан, қанақа мафия? — ҳайрон бўлиб сурди цех бошлиги.

— Ангини билмадим, — деди кирган киши. — Ҳархолда кун бўй мени кузатиб юришибди.

— Корзухин, балки иссиғинг бордир, а?

— Йўқ! — эшик томонга куз қирини ташлаб гапини давом эттириди Корзухин. — Иссиғим йўқ.

— Унда оз-моз отиб олгандирсанда?

— Нималар деяпсиз? Биласизку, менинг иш вақтига инадиган одатим йўқ.

Цех бошлиги асабийлаша бошлади.

— Корзухин, ахир ҳозир ойнинг охри бўлса, бунақа бўлар-бўлмас гаплар билан бошни қотиргучча ишлаш керак. Сени деб цехимиз мукофотиз қолса яхши бўлмас дейман, а?

— Мен ҳам шуни айтаманда, ўғирлаб кетишиша тамом, цех мастерсиз қолади.

— Сени ким ҳам ўғирларди?

— Рақобатчи корхона ўғирлайди! Шунинг учун муҳофазачилар бошлигига айтинг, менга қўриқчи кўйисин.

Цех бошлиги асабий ҳолатда столни черта бошлади, сўнг телефонга ёпиши.

— Мени кузатиб юрган одамнинг асосий белгилари, — деди Корзухин илтимоси инобатта олинаётганидан мамнун қиёфада. — Ёш, янайна тўғриғоғи, 17-18 ўшлардаги йигитча, жинси шим кийган, бошида чарм шапкасиям бор. Сочи кўнғир, юзини сепкил босган.

Бу сўзлардан кейин цех бошлиги телефон гўшагини ўрнига қўиди ва Корзухинга қараб асабий товушда бакири:

— Иш вақтида, Корзухин, ҳар хил детектив кибларни ўқиб, бўлмагур хаёлларга бориб ҳамманинг бошини қотиргучча ишлаш керак. Ўйлаб топганингничи: «Мафия!» Орқангдан қолмай югуриб юрган ўша йигитча янги шогирдинг, мен сенга айтсан...

Эшик секин очилиб, хонага чарм шапка кийган, сепкил юзли, кўнғирсоч йигитча мўралади.

## ТТТ ДЕВОРДАГИ РЕКЛАМА ВА ЭЛОНЛАР

Фирма ўз омборидан пул ўтказиш йули билан ва нақд пулга «Смирнофф», «Петров», «Асланов», «Горбачёв» ва бошқаларни сотади.

\*\*\*

Ўттиз йиллик тажрибага эга бўлган малакали ичувчи ароқвено заводида дегустатор бўлиб ишлашни истайди.

\*\*\*

Ўтган якшанба куни бозорда виждонимни йўқотдим. Топи олганлар бўлса, қайтариб беришларни сўрайман. Суюнчиси бор.

Қимматой Сотниева.

## ХАНДАЛАР

— Сиз фантастик асарларни ҳам ўқиб турасизми?

— Албатта. Масалан, якинда ЖЭКка борсам, «Бу йил иссиқ ва союв сув таъминотида, лифтинг ишида узилишу бузилишлар бўлмаслигига кафолат берамиз. Мамъурят» деб ёзиб қўйишибди. Ўзингиз айтинг, бундан ҳам ортиқ фантастика булиши мумкиними?

\*\*\*

Ўз ишхонасига кирган Мюллер Штирици сейф олдида кўрижади билан сурди:

— Бу ерда нима қилиб турибисиз?

— Трамвай кутаяпман, бамайлихотир жавоб берди Штирици.

Бу жавобни ёшишиб Мюллер чиқиб кетди, лекин коридорга бора туриб миясига келган Фикрдан бир салчиги тушиди: «Жин урсин, менинг кабинетимда трамвайга бало борми?!» У югуриб орқасига қайти, аммо Штирици ўйк эди.

— Оббо, кечикибманку!-деди Мюллер. — Трамвай аллақачон кетиб қолибди.

\*\*\*

Илк учрашувга чиқканларида йигит қиздан сурди:

— Түгрисини айтинг, мендан олдин ҳам бирортасини севгансизми?

— Тавба, сиз йигитларга ҳайронман. Барчангиз бир хил савол берасизлар-а...

## МУСАХХИХ АДАШГАНДА

— Мукофот қули (пули)

— Айёр труппа (сайёр)

— Совун сайли (ковун)

— Бит кўйлак (чит)

— Пора товуқ (кора)

— Текинқамоқ (тамоқ)

— Тўқмоқ йўл (сўқмоқ)

\*\*\*

«Панасоник» аудиомагнитофони билан «Электроника» магнитофони учрашиб колишибиди.

— Эшитимча, эганг сенга янги кассета олиб берган эмиш, шу гап ростмий сурди «Электроника».

— Рост, «жавоб қулид «Панасоник». — Зур кассета экан.

— Менга бир кунга чайнашга бериб тур, — илтимос килди «Электроника» тамшаниб.

\*\*\*

Бир суварак шитоб билан кетиб бораётса, оёғи осмондан бўлиб типиричилаб ётган бошқа суваракка кўзи тушибиди.

— Уҳ-хў-дебди у ётган суваракнинг ёнига бориб. — Брэйк дансми дейман, а?

— Йўқ, дихлофос-дермиси наригиси обёгини зўрга қўмиратиб.

## КУВНОК ТОПИШМОҚЛАР

Юмук кўз билан ниманини куриш мумкин?

(МЛ)

Ким (ниман) дунёдаги барча тилларда гапири олади?

(ОГС)

Ер билан осмон ўртасида нима бор?

(ИФС «Негинг»)

\*\*\*

Ниманинг қулоги кўп бўлсаем сира эшитмайди?

(НОСОК)

## САВОЛИ ЎЗИ БИЛАН

— Пуллик автомобиллар тўхташ жойи (Автомобилнинг ҳам пулли ва пулсизлари бўлар эканда, а?).

\*\*\*

— Хусусий Жўравий ошхонаси (Қизиқ, ошхона хусусийми ёки Жўравойми?).

\*\*\*

— Дуқонимиздаги юмшоқ мебелларга кўл тегизиш тақибанади (Унда бошқа жойни тегизиш мумкинди?).

\*\*\*

Сахифани Даврон БЕК тайёрлари

## Сўнгги устун

### КОПТОКМИ ЁКИ БАЛИК?

Дунё океанларида гимнодонт номли балик яшайди. Унинг каттароқ баликлар ва бошқа сув ости йиртқичларидан сакланыш куроли ҳам ўзига хос. Гимнодонт бирор ҳаф сезса, ичига жуда кўп ҳаво ютиб коптоқдек шишиди ва сув бетига қалқиб чиқади. Ҳаф-хатар ўтиб кетгач, ҳавони чиқариб ташлаб яна сув остига тушиб кетади.

### ШАМОЛ БЎЛМАСА...

Нинабаргли ўрмонларда дарахтлар шамолни ўйрмаларга ажратиб юборади, натижада ҳуштак чалгандек овоз чиқади. Шапалоқ баргли дарахтлар эса шамолни кичкина оқимларга бўлади ва шундан шовуллаш келиб чиқади.

### ИМПЕРАТОР ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ

Антарктидинг рамзи ҳисобланниш пингвинларнинг энг йириги император пингвилари ҳисобланади. Уларнинг бўйи бир метр ва ундан зиёдроқ бўлади, оғирлиги эса 40-50 килограмм келади. Пингвинларнинг бошқа турларидан фарқли равишда император пингвини йилига биттагина тухум қўйиб, бўла очади.

### МАНА СИЗГА СЕВГИ АЗОБИ

«Мұхаббатнинг кўзи кўр», деганлари рост экан. Йўқса, Буюк Британиялик Нейжел Уилкс (бўй 2 метр) узидан нақ 81 сантиметр пакана Баверли Рассел хонимни севиб қолармиди!

### ХИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМА

АҚШнинг Виржиния штатидаги Клинтвуд шаҳрилик эр-хотин Ралф ва Каролин Камминзлар 1952-1966 йиллар оралигидаги бешта фарзанд куришади. Қизиги шундаки, фарзандларнинг барчаси турли йилларда бўлсада, бир кунда — 20 февралда дунёга келишган.

### ОФИРИНГИЗНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ

Дунёдаги энг кучли юк кўтариувчи кранлар Италияниг «Микопери-7000» юк кемасига ўрнатилган. Бўйи 190 метрлик мазкур кран билан 6895 тонна юкни бемалол кўтариш мумкин.

### «АЛЛО, ЭШИТАМАН...»

Бугунги ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. 90 йилларнинг бошларидаги маълумотларга қараганда, АҚЦда жами 423 618 919 та телефон тизими аҳоли хизматида бўлган. Уашингтон шаҳрида эса ҳар бир кишига иккитадан телефон аппарати тўғри келаркан.

### АБАДИЙ МУЗЛИКЛАР

Ер шаридаги бутун қуруқлик майдонининг 11 фоизи муз билан қопланган. Уларнинг умумий оғирлиги таҳминан 2, 88 x 10<sup>16</sup> тоннага teng бўлиб, 99 фоизи Антарктида материгидадир.

### МАНЭЗИПМИЗ:

700083, Матбуотчилар  
кўчаси, 32-йи.

Телефон: 36-54-80  
Алижон САФАРОВ  
навбатчилик қилди  
Обуна индекси - 64654  
Руюхатга олиш № 33  
Буюртма Г-089 21597 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

### Муассисларимиз:

Узбекистон  
Республикаси  
болалар  
жамғармаси ва  
«Соғлом авлод учун»  
Халқаро хайрия  
жамғармаси

### БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомииси:  
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш  
уюшмаси» ассоциацияси